


«ЮНУСОБОД  
ДЕХҚОН БОЗОРИ»

АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ



«YUNUSOBOD  
DEHQON BOZORI»

AKSIYADORLIK  
JAMIYATI

Ind. 100194, Toshkent shahar, Yunusobod tumani 3-mavze, tel: 221-81-66, fax: 221-67-79

№ 57

“20” 02 2020 йил

Юнусобод тумани ҳокимиятига

**“Юнусобод деҳқон бозори” АЖда маданий ва маърифий тадбирларни  
янада кучайтириш ишлари тўғрисида маълумот**

“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ раҳбарияти томонидан бозор худудида савдо қилаётган сотувчи-тадбиркорлар томонидан белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилинишини, савдо маданиятини, сотувчиларнинг ташқи кўриниши, муомила маданияти яхшилаш ҳамда маданий ва маърифий тадбирларни янада кучайтириш мақсадида 2020 йилнинг 12 февралидаги Фармойишга асосан 6 та ходимлардан иборат “ИШЧИ ГУРУХ” ташкил этилди. Хар бир ходим ўз йўналиши бўйича ишларни амалга оширмоқдалар. 2020 йил 14 феврал куни Савдо саноат палатасининг тадбиркорларни қўллаб қувватлаш бошқармаси Юнусобод тумани бўлими бошлиғи Б. Шухратов ва ўринбосари билан биргаликда Бозор худудида савдо қилаётган тадбиркор ва сотувчилар орасида маданият ва маърифат ишларини кучайтириш ва турли оқимларга кириб қолмаслик ва ташқи кўринишларини меёр даражада булиш кераклиги тўғрисида мажлис ўтказилди. 2020 йил 17 феврал куни Директор ўринбосари О.Джумаев томонидан бозор ходимлари билан биргаликда “Коррупцияга қарши кураш” мавзуси бўйича мажлис ўтказилиб, мажлисда хар бир ходим келажакда бундай хатоликка йўл қўймаслиги учун тушунтириш ишлари олиб борилиб ва хар бир ходимга махсус кийим ва бейджикларни доимий равишда тақиб юришлари борасида таъкидлаб ўтилди. 2020 йил 18 феврал куни маънавий-маърифий ишлар бўйича қўшимча иш режа ишлаб чиқилди. Иш режага асосан тадбиркор-сотувчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, кийиниш маданияти, муомила маданияти, аёл ва эркакларнинг ташқи кўриниши талаб даражасида бўлишини назоратга олиб ва имом, отинойи, шоир ва психологлар билан биргаликда мажлислар ўтказилади. Бозор худудида савдо қилаётган хижобли аёлларни рўйхатга олиб назоратга олинган. Хар куни хавфсизлик ходимлари томонидан соқол қўйган сотувчи тадбиркорлар бўйича ўрганишлар олиб борилмоқда. Икки нафар соқол қўйган шахсларнинг соқоллари олдирилди.

